Куч — адолатда

2010 йил,
30 сентябрь,
пайшанба
№ 38-39 (293)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

1-oktabr — O`qituvchilar va murabbiylar kuni

УСТОЗ ЗИЁСИДАН ОЛАМ МУНАВВАР

Истиқлол йилларида таълим соҳасида олиб борилаётган туб ислоҳотлар ёшларга пухта таълим-тарбия бериш баробарида улар дунёқарашининг кенгайишига, сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллиги, маънавиятининг юксалишига хизмат қилаётир. Бугунги кунда халқаро миқёсда таълим-тарбиянинг миллий модели сифатида эътироф этилган ушбу ислоҳотлар узлуксизлиги, таълим ва тарбиянинг ўзаро уйғунлиги, миллий фазилатларимизга ҳамоҳанглиги, кучли ижтимоий ҳимояга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Соҳага кўрсатилаётган эътибор натижаси ўлароқ, юртимизда жаҳон андозалари даражасидаги таълим масканларини барпо этиш, мавжудларини тубдан реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, замонавий ўқув жиҳоз ва ускуналари билан таъминлаш, билим бериш жараёнини сифат ва мазмун жиҳатдан янги, янада юқори босқичга олиб чиқиш юзасидан улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бундай эзгу ишлар болалар спорти, мусиқа ва санъат мактаблари, мактабдан ташқари таълим масканлари, меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар фаолиятида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Юртимизда навқирон авлодга чуқур ва пухта таълим-тарбия бериш, уларни жамиятимизнинг таянчи ва суянчига айлантиришга оид кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ўқитувчи ва мураббийлар касбини эъзозлаш, машаққатли ва шарафли меҳнатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, самарали фаолият олиб бориши учун жаҳон андозалари даражасидаги шароит ва имкониятларни яратиш тизими ўзининг юксак самарасини бермоқда.

Президентимизнинг 2005 йил 25 ноябрда қабул қилинган «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ўқитувчилар меҳнатини қўллаб-қувватлаш, бу йўналишдаги ишларни янада юқори даражада ташкил этишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг педагоглар меҳнатини ҳар жиҳатдан қадрлашга оид эзгу ташаббуси бугунги кунда юртимиздаги барча ўқитувчилар фаолиятида ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Жумладан, халқ таълими тизими ходимларининг иш ҳақи миқдори бир неча баробар ошди. Бошланғич синф ўқитувчиларига ойлик устамалар, ўқитувчилар синф раҳбарлиги, дафтарларни текшириш, ўқув кабинетлари ва лабораториялар мудирлиги учун қўшимча ҳақ белгиланди. Давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқитувчилар учун педагогик юкламалар мақбуллаштирилди. Бу эса педагог кадрларнинг касб малакаси ва маҳоратини янада юксалтириш, ёшлар таълим-тарбиясидаги масъулиятини ошириш, таълим масканларини кадрлар билан тўлиқ таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Munosabat

Истиқлол берган улуғ неъматлардан бири суверен давлат сифатида ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал этишга тўлиқ эришганимиз, десак, асло хато бўлмайди. Зеро, ички сиёсат бўладими, ташқи сиёсатми, аввало, мамлакатимиз, унинг фуқаролари манфаати кўзланиши, хорижий давлатлар билан ўзаро тенг ҳуқуқлилик асосида ҳамкорлик қилиниши мустақиллигимиз шарофатидир.

Бундай ёруғ ва саодатли кунларга осонликча эришилгани йўқ, албатта. Қанчадан-қанча аждодларимиз буни орзу қилгани, айримлари бу йўлда ҳатто жон фидо этганлари тарихдан маълум.

Халқаро майдонда янги ғоя, янги ташаббус

Ўтган асрнинг айрим муаммолари, айниқса, урушу вайронгарчиликлар, кучлиларнинг кучсизлар, айрим миллатларнинг ўзидан кам сонли элатлар устидан ҳукмронлиги асоратлари, айниқса, иккинчи жаҳон урушининг оғир оқибатларини бартараф этишда бир неча ўн йилликлар зарур бўлди. Бунга эришиш учун эса, халқаро майдонда, яъни дунёнинг барча қитъаларида яшовчи халқларнинг миллати ва элатидан қатъий назар, тинч ва хавфсиз яшаши, тинчликка қарши ҳар қандай таҳдиднинг олдини олиш, уни бартараф этишда якдиллик билан курашиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (1945 йил) ташкил этилди.

Айтиш керакки, ушбу халқаро ташкилотнинг Уставида унинг фаолияти принципларини, яъни аъзо давлатнинг суверен тенглиги; мажбуриятларни сўзсиз адо этиш; халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш; куч билан таҳдид қилиш ёки уни ишлатишдан тийилиш; давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик; миллат ва элатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши; инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш; табиий муҳитни ҳимоя қилиш каби муҳим қоидалар белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон истиқлолга эришгач, яъни 1992 йилда БМТга аъзо бўлди ҳамда халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ташқи сиёсатини юрита бошлади.

Мамлакатимиз ўтган давр мобайнида БМТнинг бир юз элликдан ортиқ ҳужжатларига қўшилиб, расмий жиҳатдан тан олгани, яъни ратификация қилгани боис унинг фаол иштирокчисига айланиши баробарида БМТ тузилмаларида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, обрў-эътиборга сазовор бўлди.

Энг муҳими, давлатимиз раҳбари БМТнинг қатор анжуман ва тадбирларида фаол иштирок этиб, дунёдаги, қолаверса, Марказий Осиёдаги долзарб ва муҳим халқаро хусусиятга эга глобал муаммоларнинг ечимини топиш борасида аниқ ва қатъий таклифларни ўртага ташлаб, йирик давлат раҳбари, теран тафаккурга эга сиёсатчи сифатида жаҳонга танилди. Бу эса, ўз навбатида, жаҳон миқёсида Ўзбекистоннинг мавқеи янада юксалиб, хорижлик ҳамкор ва шерикларимизнинг юртимизга ишончи тобора ортишига олиб келмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Qaror va ijro

Меҳр-шафқат ва бағрикенгликнинг амалий ифодаси

Давлатимиз раҳбари тақдимномасига асосан шу йил 28 августда Олий Мажлис Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорининг қабул қилингани халқимизга хос бағрикенглик ва кечиримликнинг амалдаги яққол тасдиғидир.

Ҳозирги кунда мазкур қарор ижросини изчил таъминлаш мақсадида мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда зарур ташкилий-ҳуқуқий тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, жазони ижро этиш жойларидан қайтиши кутилаётган шахсларни иш билан таъминлаш, ёлғиз ва ёрдамга муҳтожларга тегишли ёрдам кўрсатиш, вояга етмаганларни ўз ота-оналари ёки васийлик органларининг назоратига топшириш, тиббий ёрдамга муҳтожларга соғлиғини тиклаши учун зарур шароит яратиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

— Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган Амнистия тўғрисидаги қарор юртимизда инсонпарварлик тамойили ҳамиша устувор эканини яна бир карра тасдиқлайди, — **дейди жиноят ишлари бўйича Зангиота тумани судининг судьяси Дилшод Иззатов.** — Чунки азалдан билмай хато қилган ёки қилмишидан пушаймон бўлган кишини кечириш, унга яна имкон бериш халқимизга хос бағрикенглик ифодасидир. Амнистия акти замирида ҳам шундай маъно-мазмун мужассам.

(Давоми иккинчи бетда)

Islohot va samara

Мустақиллик йилларида юртимизда мавжуд йўлларни кенгайтириш, янги йўллар қуриш борасида кенг кўламли ишлар тизимли равишда амалга оширилди. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлигини асраш, мол-мулкини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятини берди. Зеро, йўлларимизнинг равонлиги, бехатарлиги — кўнгилларимизнинг тинчлиги, хотиржамлиги гаровидир.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш

бу борадаги қонунчилик янада такомиллаштирилмоқда

Сўнгги йилларда мамлакатимизда кўплаб янги кўприк ва йўллар бунёд этилгани, эскилари таъмирланиб, кенгайтирилгани туфайли йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш янада мустаҳкамланди. Ушбу кенг кўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари ҳозирги кунда ҳам изчил давом эттирилаётир.

Бундан ташқари ўтган даврда йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги миллий қонунчилик тизими яратилиб, бугунги кунда янада такомиллаштирилмоқда. **«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»**ги қонунга ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар, шубҳасиз, йўлларимиздаги хавфсизлик даражасини янада оширишга, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга хизмат қилади.

(Давоми учинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Мерос ҳуқуқи кафолати

Миллий қонунчилигимизга мувофиқ, ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатларнинг сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади. Бу эса фуқароларимизга мол-мулкка эга бўлиш ва улардан эркин фойдаланиш имкониятини яратади. Аммо сир эмаски, инсон умри чегаралланган. Вақти келиб, у мол-мулкини фарзандларига ёки бошқа яқинларига мерос сифатида қолдиради.

Мерос қолдирувчига тегишли бўлган мол-мулкнинг бошқа шахслар, яъни меросхўрларга ўтиши ворислик ҳисобланади. Фуқаро хусусий мулкининг тақдирини вафот этганидан сўнг ҳал қилувчи фармойишини ҳаётлигида васиятнома билан расмийлаштиради.

Ворислик васият мавжуд бўлмаган ҳолларда қонун бўйича амалга оширилади. Бундан ташқари васиятнома қисман ёки тўлиқ ҳақиқий эмас, деб топилса ёки мерос мулкнинг ҳаммаси васият қилинмаган бўлса, унинг васият қилинмай қолган қисмига нисбатан қонун бўйича ворислик амалга оширилади.

Масалан, фуқаро А.Муродов ўзининг барча мол-мулкини набираси Н.Ашуровга васият қилиб қолдирган. А.Муродов вафот этганидан сўнг турмуш ўртоғи Ш.Муродова судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, васиятномани бекор қилишни сўраган. Суднинг ҳал қилув қарори билан васиятнома қисман ҳақиқий эмас, деб топилди. Чунки ушбу васиятнома туфайли Ш.Муродованинг мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқи бузилган.

(Давоми иккинчи бетда)

2010-yil — Barkamol avlod yili

Юртимиз истиқболи эгалари

илму маърифатли, ҳунарли ва салоҳиятли ёшлардир

Ҳар томонлама етук ёшлар юртимизнинг эртанги кунида ҳал қилувчи ўрин тутадиган, жамиятимиз тараққиётини белгилайдиган муҳим кучдир. Жорий йилда айни шу мақсадга қаратилган ишлар кўлами янада кенгайди. Чунки «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида фарзандларимизнинг туғилишидан тортиб соғлом бўлиб вояга етиши, тўкис шарт-шароитларда яшаши, замонавий илм даргоҳларида билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, иш билан таъминланиши каби вазифалар тегишли идора ва ташкилотларга юклатилган ва булар амалда самарали ижро этилмоқда.

Маълумки, вояга етаётган ҳар бир фарзанд, асосан, мактаб даврида шахс сифатида шаклланиб бошлайди. Шу боис ҳам юртимизда мактабларга, улардаги шарт-шароитни яхшилашга доимий равишда эътибор бериб келинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Фармони билан тасдиқланган 2004 — 2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида ҳам мактаб таълими тизимини тубдан яхшилаш, энг замонавий талабларга мос келадиган ўқув-моддий базаси ва таълим стандартларини шакллантириш, мактабларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш юзасидан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бундай чора-тадбирлар таълим тизимининг кейинги босқичи — академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари тизимида янада юқори савияда ташкил этилди. Натижада бугунги кунда юртимизда юксак билим ва малакага эга мутахассислар тайёрлашнинг самарали тизими яратилди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида яратилган бундай узлуксиз таълим тизими ўзининг юксак самарасини бермоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

Qaror va ijro

Меҳр-шафқат ва бағрикенгликнинг амалий ифодаси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Қайд этиш жоизки, қарорда жазодан озод этилиши кўзда тутилганлар орасида аёлларга алоҳида эътибор қаратилган. Билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган ва оқибатда озодликдан маҳрум қилинган аёлларнинг кўпчилиги жазони ўташ жараёнида хатоларини чуқур англаб етади. Боиси улар учун оила ва фарзанддан айри яшашдан кўра оғир жазо йўқ.

— Оилам, фарзандларимдан айро ўтган кунларимда дунёнинг ҳеч бир бойлиги улардан азиз бўлолмаслигини чуқур англадим, — дейди амнистия шарофати билан жазодан озод этилган Наргиза Қосимова. — Аслида аёл нафақат оилада, балки жамиятда ҳам ўз ўрнини йўқотмасликка ҳаракат қилиши, бунинг учун тинмай ҳалол меҳнат қилиши чин бахт эканини, афсуски, кечроқ тушуниб етдим. Бировнинг ҳақига хиёнат қилиш, фирибгарликнинг оқибати инсонни қай аҳволга солишини бошимдан ўтказдим. Юртбошимиз томонидан мен каби адашганларга нисбатан кўрсатилган ғамхўрлик ҳаёт йўлимни бутунлай ўзгартирди, деб ҳозир ишонч билан айта оламан. Мен аслида жуда улкан меҳр-шафқат туфайли қисқа муддатда, яъни уч ойда оилам бағрига қайтяпман. Уйимга қайтиб, фақат ҳалол яшаш, эл-юрт корига ярашни олдимга мақсад қилиб қўйдим. Мени кўзлари тўрт бўлиб кутаётган фарзандларимни ҳам ана шундай тарбия қиламан.

— Бағрикенглик нима эканини, унинг буюк бир неъмат, қадриятлигини фақат биз кабилар дилдан ҳис этса керак, — дейди Севдо Латипова. — Президентимизнинг бағрикенгликлари туфайли бугун озодликка чиқяпман. Бунинг учун қанчалик миннатдор ва айни вақтда қарздор эканимни сўз билан ифодалашим қийин. Буни энди уйга қайтиб амалда исботлаш бирдан-бир ниятим. Фақат ҳалол меҳнатим билан оилам, юртим равнақига ҳисса қўшаман.

Ҳа, бу аёлларнинг оила, фарзанд ҳақида кўпроқ гапираётгани бежиз эмас. Ахир, ҳар бир аёлнинг ҳаётини бусиз тасаввур қилиш қийин. Фарзанд дийдори, хотиржам оила давраси ҳар қандай аёлнинг чинакам бахти. Аммо айрим аёллар ҳавойи ҳаваслларга берилиб, буни баъзан унутиб қўяди.

Айтиш жоизки, қарорда жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларни жазодан озод қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Инсонпарварлик тамойилига асосланган мазкур меъёр асосида Зангиота тарбия колониясидан ҳам жиноий қилмишга қўл урган ўсмирлар ота-оналари бағрига қайтмоқда.

Тошкент вилоятининг Зангиота тарбия колониясида ҳаётда адашиб жиноят кўчасига кириб қолган ўсмирларнинг тўғри йўлга тушиб кетиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, бу ерда ўсмирларнинг таълим олиши алоҳида эътиборда. Бундан ташқари касб-ҳунар эгаллаш учун барча имкониятлар етарли. Электр-пайвандчилик, ҳайдовчилик, чилангарлик каби йўналишлар бўйича касблар ўргатилади. Бундан ташқари спорт билан шуғулланиш учун шароит яратилган. Муассасада болаларнинг маънавиятини юксалтириш борасида доимий тадбирлар ташкил этилмоқда.

— Амнистия ҳақидаги қарорда вояга етмаган шахсларга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг ота-оналари бағрига қайтиши учун имкон берилиши улкан меҳр-шафқат ифодасидир, — **дейди Тошкент махсус прокурори ёрдамчиси Фурқат Муродов**. — Бу миллий қонунчилигимизда акс этган вояга етмаганлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатини янада мустаҳкамлайди. Бинобарин унда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида жиноятларни содир этган вояга етмаган шахсларнинг ахлоқини тузатишга эътибор кучайтирилган. Зеро, жазо тайинлашдан мақсад шахснинг ахлоқан тузалишини таъминлаш, қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш учун зарур бўладиган ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашдан иборатдир.

— Қилаётган ишимнинг оқибатини вақтида тушуниб етмаганим учун хатога йўл қўйдим, — дейди Янгийўл шаҳрида туғилган 17 ёшли Жамшид Халилов. — Бу ўтилаётган ҳар бир дарс ва бошқа машғулотларда кирган йўлимизнинг эртаси йўқлигини тушунишимиз учун етарли сабоқ олдик. Президентимиз ташаббуси билан эълон қилинган амнистия билан афв этилганим мени жуда қувонтирди. Эндиги ниятим ота-онам бағрига қайтиб, юртимга нафи тегадиган инсон бўлишдир.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, Сенатнинг тегишли қўмита ва комиссиялари депутатлар корпусининг мазкур амнистия акти қўлланилиши жараёнида очиқ-ошкоралик ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда бевосита иштирокини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Бу борада сенаторлар, депутатлар, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг минтақавий вакилларидан иборат ишчи гуруҳлари тузилган. Амнистияни қўллаш жараёни устидан жамоат назоратининг ташкил этилаётгани жамиятни демократлаштириш жараёнида инсон ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан нодавлат ташкилотларининг роли ва таъсири кучаяётганидан далолатдир.

Хулоса қилиб айтганда, айни кунларда ижроси изчил таъминланаётган амнияти акти, юқорида эътироф этилганидек, юксак бағрикенглик, инсонпарварликнинг амалий ифодасидир. Чунки инсон гоҳ билиб, гоҳ билмай хатога йўл қўяди. Лекин улар ҳам орамиздаги одамлар, бири танишимиз, бири яқинимиздир. Шу боис улардан хатолари учун юз ўгириб бўлмайди. Аксинча, хатосини тузатиши, тўғри йўлга тушишига имкон ва ёрдам бериш инсонийликдандир. Бу эзгу мақсадга нафақат масъул идоралар, балки ҳар бир киши ўз ҳиссасини қўшса, жамият муҳити янада соғлом бўлади.

Норгул АБДУРАИМОВА

Saboq

Ўзбошимчалик оқибати

Бош Қомусимизда давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари ҳамда фуқароларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўришлари қатъий белгиланган бўлиб, ушбу меъёрга амал қилинган жойда иш доимо кўнгилдагидек кечади.



Фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судига Нукус шаҳар ҳокимлиги томонидан бир қанча даъво аризаси келиб тушди. Улардан бирида Нукус шаҳар Тўрткўл гузари ҳудудидаги 30-А-уйнинг 1-хонадонида яшовчи Р.Отемисов ўзи яшаб келаётган иморатнинг олдига ўзбошимчалик билан автомобиль гаражи қурганлиги баён этилиб, ушбу ноқонуний равишда тикланган иморатни буздириш мажбуриятини жавобгар зиммасига юклаш ва даъво талабларини тўлиқ қаноатлантириш сўралган. Суд жараёнида, ҳақиқатан ҳам, Р.Отемисов ноқонуний равишда иморат қургани аниқланди ва даъво талаблари қаноатлантирилди.

Нукус шаҳар ҳокимлиги томонидан киритилган яна бир даъво аризасида эса, Нукус шаҳар Тўрткўл гузари ҳудудидаги 30-уйнинг 9-хонадонида яшовчи Е.Шамуратовнинг ўзи истиқомат қиладиган уй олдига шаҳар ҳокимлигининг рухсатисиз, ноқонуний равишда оғилхона тиклаганлиги маълум қилинган. Ушбу ариза ҳам атрофлича ўрганиб чиқилиб, даъво тўлиқ қаноатлантирилди.

Суд Фуқаролик кодексининг 212-моддасида ўзбошимчалик билан иморат тиклаш натижасида ҳуқуқлари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат идорасининг даъвоси билан бундай иморат суднинг қарорига мувофиқ иморатни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланиши кўрсатилганлиги сабабли, оғилхона жавобгар Е.Шамуратов ҳисобидан бузиб ташланиши тўғрисида қарор чиқарди.

Бу каби қонун бузилиш ҳоллари, афсуски, ҳаётда учраб туради. Тўғри, бундай воқеалар ҳақида эшитганда, кимнидир иморат тиклашга кетган сарф-харажатлар ўйга толдириши мумкин. Аммо бугун юртимизда кўркам ва замонавий уйлар, бинолар барпо қилинаётган бир паллада юқоридаги сингари айрим шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларини оқлаб бўлармикан?

Гувоҳи бўлганингиздек, ўзбошимчалик эмас, балки мавжуд қонун-қоидаларга эътибор билан қараш, уларга қатъий риоя қилиш фойдадан холи эмас.

Саодат ҚАИПНАЗАРОВА, фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судининг раиси

1-oktabr — O`qituvchilar va murabbiylar kuni

Устоз зиёсидан олам мунаввар

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда ҳар йили **1 октябрь — «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни»** умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-ҳунарларни ўргатишдаги жонкуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун бир гуруҳ ўқитувчи ва мураббийлар Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланади.

Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган **«Таълим тўғрисида»**ги қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифаларнинг ҳаётга кенг жорий этилиши, бу борада амалга оширилган эзгу чора-тадбирлар ўзининг кўлами, мазмун-моҳияти билан фаровон ҳаёт барпо этиш, халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг маънавий юксалиши учун мустаҳкам замин яратди.

Ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш жараёнида таълим сифати ва мазмунини ошириш, жаҳон андозалари даражасидаги ўқув даргоҳларини бунёд этиш, мавжудларини капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув жиҳозлари, компьютер ва лаборатория техникаси билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг самарали механизмини яратиш, ўқитувчиларнинг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, илғор, изланувчан, ташаббускор ва фидойи ўқитувчиларнинг иш тажрибасини тарғиб этиш ва оммалаштириш масаласи давлатимизнинг доимий диққат марказидадир.

— Ўқитувчидек шарафли ва масъулиятли касб эгаларининг меҳнати истиқлол йилларида эъзоз ва эҳтиром топди, — **дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Мавлуда Исматова.** — Шиддат билан ўзгариб бораётган тезкор ва мураккаб давр ёшларга пухта билим бериш билан бирга, улар онгу шуурини, маънавиятини миллатимиз учун ёт ва бегона ғоялар таъсиридан асраб-авайлашни, ёшларни чин маънодаги ўз юртининг фидойи инсонлари этиб тарбиялашни тақозо этмоқда. Бу йўналишдаги ғамхўрликлар бизни ёш авлод тарбиясидек мураккаб ва айни пайтда шарафли юмушга янада масъулият билан ёндашишга, янада фаол бўлишга, давлатимиз томонидан яратилаётган қулайлик ва имкониятларнинг қадрига етишга ундайди.

Таълим-тарбия, илм-фан, маънавият ва маърифат тизимини тубдан ислоҳ этиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг пировард мақсади келажагимиз эгалари бўлган ёшларни Ватанимизга, буюк аждодларимизга муносиб фарзанд этиб тарбиялашга йўналтирилган. Бу эзгу мақсадни рўёбга чиқаришга, қалбимизда юртга ва халққа юксак эҳтиром туйғуларини камол топтирган муаллимларимизга байрам арафасида энг эзгу тилакларимизни билдирамиз.

Байрамингиз муборак, азиз устозлар!

Муаттархон РЎЗИБОЕВА

Fuqarolik qonunchiligi

Мерос ҳуқуқи кафолати

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Фуқаролик кодексининг 1124-моддасига асосан, Ш.Муродовага қонун бўйича ворис сифатида меросдан оладиган ҳиссасининг ярми мажбурий тарзда ажратиб берилди. Мерос мулкнинг қолган қисми Н.Ашуровга васият бўйича мерос бўлиб ўтди.

Қонунга кўра, мерос қолдирувчининг вафот этган пайтда унга тегишли бўлиб, вафотидан сўнг меросхўрларга ўтиши мумкин бўлган мол-мулки ва мулкка бўлган ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари мерос ҳисобланади. Мерос қолдирувчига тегишли бўлган хусусий мулк ҳуқуқи, кредит муассасаларида сақланаётган омонатларга бўлган ҳуқуқ, номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳам мерос қолдирувчининг мерос мулки таркибига киради.



Умумий мулк ҳуқуқи асосида икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг эгалигида бўлган мол-мулк уларга бирдай тегишли бўлади. Мулкдорлардан ҳар қайсисининг маълум бир ҳиссаси аниқ белгилаб қўйилган бўлса, бундай умумий мулк — ҳиссали мулк саналади. Ҳиссали мулкнинг иштирокчиси ўзининг улушини васият қилиб қолдиришга ҳақли.

Меросга оид ҳуқуқий муносабатлар мерос очилиши билан вужудга келади. Мерос фуқаро вафот этганда ёки суд қарори билан вафот этган деб эълон қилингандан сўнг очилади.

Ворисликка оид ҳуқуқий муносабатлар мерос очилган жойда амалда бўлган қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Шу сабабдан мероснинг очилиш жойини тўғри аниқлаш мерос мулкнинг меросхўрлар томонидан қабул қилиниши, улар ўртасида тақсимланиши тартибини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Мерос қолдирувчининг охирги доимий яшаб турган жойи мероснинг очилиш жойи ҳисобланади. Мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган мерос қолдирувчи билан қариндошлик муносабатларида бўлган шахслар қонун бўйича меросхўрлар доирасига киради.

Ўз навбатида нолойиқ меросхўрлар меросдан четлатилади. Бундай шахслар васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмас.

Хулоса қилиб айтганда, мерос билан боғлиқ муносабатларнинг барча жиҳатлари қонунчилигимизда ўз ифодасини топган бўлиб, амалда фуқароларимиз манфаатига хизмат қилаётир.

Бахтиёр МАДАМИНОВ, фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг раиси

Qilmish-qidirmish

Товламачининг

Эшик қўнғироғи устма-уст жиринглагач, телевизор қаршисида ўтирган Бекбўта шошиб ўрнидан турганча ташқарига йўналди. Дарвозага етгунча қўнғироқ яна бир неча марта жиринглади.

Ташқарида кўзлари ғазабга тўлган ўттиз ёшлар чамасидаги йигит Бекбўтага ўқрайиб қараб турарди. «Бекбўта деганлари сенмисан?! — дея қаҳр билан сўради нотаниш йигит. Бекбўта тасдиқ маъносида бошини қимирлатгандан сўнг у овозини яна бир парда кўтарди: — Ҳали сен хотинимни қаматиб юбормоқчимисан, номард?! Чучварани хом санабсан».

У шундай дағдаға қилган кўйи, Бекбўтанинг гапиришини ҳам кутмай, йўл четида турган «Жигули»сига ўтириб жўнаб кетди. Бекбўта «кутилмаган ташриф»нинг Дилбаҳор билан боғлиқлигини тушунди. Ўзининг айбсиз айбдорга айланиб қолаётганидан кўнгли хижил тортди.

Эртаси куни Бекбўта кеча юз берган нохушликни унутишга ҳаракат қилди. «Аччиқ устида айтди-қўйидда. Ҳали гумон қилгани учун хижолат бўлади», деб ўзига ўзи таскин берганча иш билан овунишга уринди. Аммо ўзи ижарага олиб ишлатаётган ошхонада кечга томон яна кечаги кимса пайдо бўлди. Бу гал унинг ёнида уч нафар шериги ҳам бор эди.

— Хўш? — деди Исроил Бекбўтанинг қаршисида туриб, қўлларини белига тираганча. — Айбингни тушундингми? Энди товон тўлайсан. Уч минг АҚШ доллари! Шундан сўнг жазодан қутуласан. Акс ҳолда... ўзингдан кўр!

Исроилнинг биргина ишораси билан шериклари Бекбўтани дўппослай кетишди. Кутилмаган ҳамладан довдираганча ерга ўтириб қолган Бекбўта вазиятни юмшатишга ҳаракат қила бошлади:

— Менда ҳозир бунча пул йўқ. Эртага машинамни бозорга чиқараман. Пулни шу ерга, ошхонага келтириб қўяман. Тушдан сўнг келинг.

Тўғриси, Исроил Тоҳировнинг дағдағали пўписасидан сўнг хавотирга тушиб қолган Бекбўта аввалига у сўраган пулни бериб, қутулмоқчи ҳам бўлди. Ахир, айтишади-ку, «Ёмондан қоч-да, қутул», деб. Бироқ Бекбўта емаган сомсага пул тўлашни истамас, қолаверса, Исроил сўраётган пул ҳазилакам маблағ эмасди. Обдон ўйлаб кўрган Бекбўта ички ишлар идораси томон йўл олди...

* * *

Уйида ҳам, иш жойида ҳам Бекбўта Ирискуловнинг тинчини бузаётган, мулкини беришга мажбур қилаётган Исроил Тоҳиров билан боғлиқ воқеаларни ойдинлаштириш пайти етди, назаримизда. Ахир, шамол бўлмаса, дарахтнинг шохи қимирламаганидек, унинг нима учун пул талаб қилаётгани кишини қизиқтиради. Икки ўртада бирон-бир олдиберди борми? Агар шундай бўлса, бу ҳақиқатга қанчалик мос тушади?

Шу ўринда гапни сал илгарироқдан бошлашга тўғри келади.

Тоғ туманилик Исроилнинг турмуши бинойидай кечаётган эди. Бироқ Исроил етти йил бурун Дилбаҳор билан танишди-ю, хотини билан ўртасидаги аҳилликкa дарз кетди. Сабаби — Исроил икки-уч кунлаб Дилбаҳорнинг уйида тунаб қоладиган бўлди. Секин-аста бу муносабат ноқонуний эр-хотинликка айланди.

Туман марказида яшаётган Дилбаҳор Самарқанд шаҳридан уй олиш ўрзусида юрган паллада Бекбўта Ирискулов билан танишиб қолди. Дилбаҳор бир куни режасини унга ҳам айтди. Шунда Бекбўта ўйланиб туриб:

— Яхши ўйлабсиз, — деди. — Лекин шаҳарда уйнинг нархи баланд, буни ўзингиз ҳам биласиз. Яхшиси, сиз уйингизни сотиб, пулини менга беринг. Мен уни оборотга қўйиб кўпайтираман. Қарабсизки, ҳадемай пулингиз бир-икки баравар ошиб, ўзингиз учун маъқул уй сотиб оласиз.

Дилбаҳор Бекбўтанинг гапига кириб уйини сотди ва пулларини унга келтириб берди. Бекбўта эса Дилбаҳорни икки боласи билан ижара уйга жойлаштириб қўйди.

Шу тариқа орадан ойлар ўтди. Дилбаҳор Бекбўта билан учрашган чоғларида омонатини сўраб-сўраб қўярди. Бироқ Бекбўта ҳадеганда тайинли гап айтавермагач, Дилбаҳор пулини қистай бошлади. Шундан сўнг Бекбўта икки минг АҚШ долларини қайтарди. Жувоннинг унда яна ўн минг АҚШ доллари қолган эди.

Дилбаҳорнинг пулини савдо айланмасига қўйиш учун танишига берганини онаси Дилором ҳам, ноқонуний эри Исроил ҳам билса-да, бироқ улар Бекбўтани танишмасди.

Munosabat

Халқаро майдонда янги ғоя, янги ташаббус

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айниқса, Президентимизнинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зонага айлантириш ёки Афғонистондаги урушга барҳам бериш, афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш ёхуд Орол бўйидаги ҳудудларда экологик вазиятни ўнглашга қаратилган ташаббуслари БМТга аъзо давлат раҳбарларининг, шунингдек, глобаллашув жараёнининг фаол иштирокчиларининг нафақат эътиборини қозонди, балки уларни ушбу муаммолар юзасидан самарали механизмларни ишлаб чиқишга ундамоқда. Жумладан, Президентимизнинг Афғон заминидаги қарама-қарши кучларни ўзаро муросага келтириш борасида «6+3» гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси минтақамиз хавфсизлигини таъминлашнинг бирдан-бир чораси ҳисобланади.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, бир неча йилдан буён Ўзбекистон Қобул шаҳрини электр энергияси билан узлуксиз таъминламоқда ҳамда Афғонистонда кўприклар, автомагистрал ва темирйўл қуришда афғон халқига кўмаклашмоқда. Ўзбекистоннинг бундай бегараз ва тинчликсевар, яқин қўшнига ёрдам беришдек одилона сиёсати кўпчилик давлатлар томонидан юқори баҳоланган ҳолда қўллаб-қувватланмоқда.

Қайд этиш керакки, ўтган асрнинг иккинчи ярми инсоният тараққиётида туб бурилиш, муҳим ўзгаришлар ясади десак, хато қилмаймиз. Айниқса, ўтган асрнинг охирги чорагида совуқ уруш тугаб, дунёда глобаллашув, яъни кучлар ва имкониятларни бирлаштириш орқали яхлитликка интилиш, давлатлараро ҳамкорликни янада жадал ривожлантиришга эътибор кучайди.

Айниқса, БМТ доирасида жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни асраш борасида янгича ёндашувлар, барча халқлар учун энг мақбул йўл-йўриқлар ишлаб чиқилди. Жумладан, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2000 йилнинг 8 сентябрида «Минг йиллик Декларация»сини қабул қилиш орқали асрнинг дастлабки ўн беш йиллигига жаҳон ҳамжамияти томонидан давлатларнинг янада юксалиши ва тараққиётининг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Дарвоқе, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мазкур Саммитда иштирок этиб, Ўзбекистон манфаатларини илгари сурувчи қатор ташаббусларни билдирган эди.

Мазкур ҳужжатда қайд этилишига кўра, йигирма биринчи асрда глобаллашув фақат ижобий жиҳатлари билан кишилик жамиятининг гуллаб-яшнашига таъсир этиши, эркинлик, тенглик, бирдамлик, бағрикенглик, демократия ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда табиатни асраб-авайлаш каби умуминсоний қадриятлар ер курасидаги барча давлатларда мустаҳкам қарор топиши ва кишилик жамиятида чуқур ўрин эгаллаши зарур. Бунга эришиш учун эса, аввалambor, дунёда қашшоқлик, очлик, турли хил касалликларга қарши ҳамда атроф-муҳит муҳофазаси йўлида биргаликда қатъий курашиш лозим.

Ушбу ҳужжат қабул қилинганидан сўнг ўтган ўн йил давомида ташкилотга аъзо давлатлар томонидан амалга оширилган ишлар таҳлиллари БМТ Бош Ассамблеясининг ўтган ҳафтадаги олий даражадаги ялпи мажлиси кун тартибидан ўрин эгаллади. Айтиш керакки, давлатимиз раҳбарининг мазкур Саммитдаги нутқида БМТнинг «Минг йиллик Декларация»сида баён этилган барча йўналишдаги вазифаларни адо этиш юзасидан Ўзбекистонда қўлга киритилган ютуқлар амалий жиҳатдан ҳар томонлама асослантирилган аниқ далил ва рақамлар асосида баён этилди. Айниқса, Юртбошимиз Янги Мингйилликда ҳам инсоният тараққиётига ғов ва тўсиқ бўлиб келаётган, глобаллашув жараёнига салбий таъсир кўрсатаётган қашшоқлик ва очарчиликни келтириб чиқараётган урушлар ва қарама-қаршиликларга қарши кураш олиб бориш ҳамон долзарб муаммо эканлигига дунё ҳамжамиятининг эътиборини қаратиб, ҳар қандай муаммонинг моҳиятини теран англашга ҳамда уларни бартараф этиш йўл-йўриқларини синчковлик билан ўрганишга даъват этди.

Давлатимиз раҳбари Афғонистонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш Марказий Осиёда барқарорликка эришишнинг муҳим омили экани билан боғлиқ 2008 йилнинг 2 апрелида НАТО/СЕАП Саммитида билдирган БМТ шафелигидаги «6+3» мулоқот гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги қатъий ташаббусни қўллаб-қувватлаш зарурлигини асослаган ҳолда шундай таъкидлади: **«6+3» мулоқот гуруҳининг энг муҳим мақсади — бир-бирига қарши курашаётган томонларга Афғонистонда ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш дастурини таклиф этиш, ... ушбу Дастурда иқтисодий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий, инфратузилма ва гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш, аҳоли бандлиги муаммоларини, қашшоқлик, ҳуқуқсизликка қарши кураш бўйича энг долзарб вазифаларни ҳал этишга алоҳида эътибор берилиши лозим»**.

Марказий Осиёдаги тинчлик ва барқарорликка жиддий хавф туғдирган иккинчи воқеалик, яъни шу йилнинг июнь ойида Қирғизистоннинг жанубидаги Ўш ва Жалолобод вилоятларида учинчи кучлар томонидан пухта ўйланиб, уюштирилган хунрезлик ва зўравонликлар бўйича мустақил халқаро текширув ўтказиш, ушбу қонли ваҳшийликларнинг барча буюртмачилари, ташкилотчи ва ижрочиларини жиноий жавобгарликка тортилиши зарурлиги билан боғлиқ таклиф ҳам ўз ўрнида ва вақтида билдирилди. **«Бундай позициядан ҳар қандай чекиниш Қирғизистон жанубида фожиали воқеаларнинг яна такрорланиши, ўта хавфли кескинлик манбаининг пайдо бўлишига келиши мумкинлигини алоҳида таъкидлашни истардим»**, дея қайд этди давлатимиз раҳбари.

Шу ўринда айтиш жоизки, бу мудҳиш воқеаларнинг аланга олиб кетмаслиги, уни ўз вақтида тинч йўл билан, муҳими, ўта оғир-вазминлик билан бартараф этилишида, айниқса, юз минглаб қочқинларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишда мамлакатимиз аҳолиси ва ҳукуматимиз ўта масъулият билан ёндашгани дунё ҳамжамияти, халқаро ташкилотлар ҳамда кўплаб давлатларнинг сиёсатчилари ва экспертлари томонидан эътироф этилди.

Президентимиз БМТнинг «Минг йиллик Декларация»сида алоҳида муҳим йўналишлардан бири ҳисобланган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, айниқса, табиий заҳира ҳисобланган сув ва сув иншоотларидан оқилона фойдаланиш борасида Марказий Осиёда юзага келган қалтис вазият хусусида фикр юритиб, Оролбўйи муаммоси ҳамон тўлиқ ечимини топмаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Жумладан, Амударё ва Сирдарё оқимининг кескин камайгани минтақада экологик вазиятни янада хавфли тус олишига сабаб бўлаётгани, ушбу дарёлар устига улкан гидроиншоотлар қуришга уринишлар табиатга ўнглаб бўлмайдиган зарар етказиши ва хавфли техноген ҳалокатларга олиб келишини қайд этган ҳолда ушбу муаммони ҳал этишнинг оптимал йўли — мазкур дарёлар узанларида нисбатан хавфсиз, аммо анча тежамкор кичик ГЭСлар қурилишига ўтиш оқилона йўл экани тўғрисида таклиф билдирди.

Шунингдек, Президентимиз ўз нутқида Ўзбекистонда «Минг йиллик Декларацияси»да белгиланган барча йўналишлардаги мақсадларга эришиш борасида амалга оширилган кенг кўламли амалий ишлар хусусида қатор хулосаларни билдирган ҳолда ўтган ўн йилликлар натижасида юртимизда ялпи ички маҳсулот 3,5 бараварга, аҳоли жон бошига ҳисобланганда эса 2,5 бараварга, ўртача иш ҳақи 14 бараварга ошгани, ҳар йили давлат бюджетининг 50 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилаётгани, оналар ўлими 2 баравар, болалар ўлими эса 3 бараварга камайгани, кейинги 20 йилда ўртача умр кўриш 67 ёшдан 73-75 ёшгача узайганини қайд этди. Бундай фактлар мамлакатимизда халқ фаровонлигини янада юксалтиришга эътибор кучайтирилгани, инсон омили билан бевосита боғлиқ юксак тараққиётга интилиш натижаси бўлиб, муҳими, халқаро ҳужжат билан зиммага олинган барча йўналишлардаги вазифаларни амалда тўлиқ ижро этилганидан дарак беради.

Хулоса ўрнида айтиш ўринлики, Ўзбекистон истиқлолга эришган дастлабки пайтидан бошлаб Президентимиз ташаббуси билан ўз тараққиёт йўлининг тўғри танлагани, айниқса, жамиятни демократлаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ислоҳотлар тизимли равишда изчиллик билан амалга оширилгани бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Бошқача айтганда, бири иккинчисини тўлдирувчи эзгу мақсадларга йўналтирилган амалий ишлар тадрижий равишда рўёбга чиқарилмоқда ва натижада йилдан-йилга халқимизнинг турмуш фаровонлиги ортиб бормоқда. Шу боис ҳам давлатимиз раҳбарининг БМТ минбарида туриб сўзлаган нутқларини бутун халқимиз ғурур ва ифтихор билан тингланиб, дунё аҳли эса Ўзбекистон Президентининг минтақадаги долзарб муаммоларини ҳал этиш борасидаги янги таклифлари ва ғояларини етарлича асослантирилганини эътироф этмоқда. Бу бизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган давлатимиз сиёсатининг нақадар тўғрилигидан далолатдир.

Мавжуда РАЖАБОВА,
юридик фанлари доктори

Islohot va samara

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш

бу борадаги қонунчилик янада такомиллаштирилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)



Мазкур қонун ҳужжатларида йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузиш, жумладан, ҳайдовчиларнинг ҳаракат тезлигини ошириб юбориши, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаслиги, транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариши, йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойдан кетиб қолиши, хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларини бузиши учун жавобгарлик белгиланган.

2006 йил 26 декабрда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга **«Транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиши»** деб номланувчи 128[1]-модда киритилди. 2007 йилнинг 1 январидан кучга кирган ушбу меъёрга асосан, транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиши энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. 2007 йилда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 125-моддасига ўзгартириш киритилиб, ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариш ва йўловчилар ташишда хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларига, шунингдек, мотоцикл ҳайдовчиларининг мотошлемлардан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаганлиги учун жавобгарлик жорий этилди. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 17 январда қўшилган «Йўл ҳаракати ҳақида»ги Вена конвенцияси талабларига мос келади.

Бундан ташқари 2007 йил 13 декабрда қабул қилинган қонунга асосан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга **«Транспорт воситасини бошқариш пайтида монитордан (дисплейдан) теле-, видеодастурларни томоша қилиш учун фойдаланиш ва транспорт воситасига ўзбошимчалик билан монитор (дисплей) ўрнатиш»** деб номланувчи 128[2]-модда киритилди.

Юқоридаги ўзгартиришлар, албатта, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга хизмат қилади. Бироқ ҳуқуқ-тартибот ва бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан аниқланишича, транспортларда турли ҳуқуқбузарликлар содир этилиши оқибатида инсон ҳаёти ва соғлиғи хавф остида қолаётган ҳолатлар ҳамон учрамоқда.

Кўрилаётган чораларга қарамасдан, айрим ҳолларда ҳайдовчиларни тайёрлаш сифатининг юқори эмаслиги, йўл ҳаракати қоидабузарликлари учун белгиланган жарима миқдорининг камлиги, белгиланган талабларни менсимаслик сабабли бундай қоидабузарликлар давом этиб, айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар сонининг ўсиши кузатилмоқда.

Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш натижасида 2009 йилда 355 маротаба йўл-транспорт ҳодисаси юз берган. 2010 йилнинг ўтган 4 ойи ичида эса 75 та йўл-транспорт ҳодисаси юз бериб, уларда 20 нафар одам ҳалок бўлган ва 96 нафар одам шикастланган.

Айтиш керакки, бунинг асосий сабабларидан бири, бизнингча, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдаги транспортдан фойдаланишда бошқа фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солувчи ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун қўлланиладиган жарима жазолари ушбу ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасига мос эмас. Яъни содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфи юқори, бироқ унинг учун қўлланиладиган жазо тариқасидаги жарима миқдори паст белгиланган.

Биргина мисол. Маълумотларга қараганда, ҳайдовчиларнинг хавфсизлик камарларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳоллари кўп учрайди. Бу, биринчидан, ҳайдовчиларнинг ўзи ҳамда йўловчиларнинг хавфсизлигига эътиборсизлигидан бўлса, иккинчидан, ушбу ҳуқуқбузарлик учун жазо санкциясининг камлигидандир. Фикримизча, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун жазо санкциясини кучайтириш бундай нохушликларнинг олдини олади.

Шу мақсадда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кун тартибига республика Бош прокурори томонидан қонунчилик ташаббуси асосида киритилган **«Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонун лойиҳаси бугунги кунда қўмитамиз аъзолари томонидан қизғин муҳокама этилмоқда. Мазкур қонун лойиҳасининг асосий мақсади — амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришдан иборат бўлиб, унинг қабул қилиниши йўлларда инсон ҳаёти, хавфсизлигини асраш, транспорт воситаларидан фойдаланишда фуқаролар ҳаёти ва соғлиғини таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Акмал РАҲМОНОВ,
Бахтиёр КУШАКАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари

Mulohaza

Масъулият ва эътибор

фарзанд тарбиясида муҳим ўрин тутади

Маълумки, инсоннинг хушхулқ бўлиб улғайиши у вояга етган муҳитга ҳам бевосита боғлиқдир. Бинобарин, киши фарзандини ҳар жиҳатдан етук, ўз фикрига эга, дунёқараши кенг, эл-юрт корига яраиган инсон қилиб вояга етказиши учун, даставвал, унинг тарбиясига эътибор қаратиши лозим.

Кўпни кўрган кексалар ўзлари ҳавас қилган ўғил-қизни «Сенга шундай тарбия берган ота-онангга раҳмат!» — дея олқишлаши бежиз эмас. Ота-онасининг табиатида намоён бўладиган гўзал хислатлар боласининг юриш-туришида ҳам акс этади. Айни пайтда бола тарбиясидаги айрим нуқсонларнинг сабабларини ҳам, биринчи навбатда, ота-онадан излаймиз. Чунки ота-она боласини назорат қилмаслиги, унинг вақтини қаерда, кимлар билан ўтказаётганига қизиқмаслиги, бир сўз билан айтганда, фарзандининг тақдири учун қайғурмаслиги билан унинг ёмонлик кўчасига киришига имкон беради. Зотан, боласига тўғри тарбия бериш ота-она зиммасидаги энг катта бурч ва мажбуриятдир. Ҳадисларда ҳам айтилишича, «Ота-онанинг фарзанди учун энг улуғ ҳадяси — тарбиядир».

Таассуфки, ҳаётда жондан азиз боласининг тақдирига бефарқ, бефарқ бўлгани учун ҳам фарзанди вақтини нималарга сарфлаётгани, қаерларда ўтказаётгани, қандай инсонлар билан ҳамсуҳбат бўлаётганига лоқайд қарайдиган одамлар ҳам йўқ эмас. Энг ачинарлиси, бундай бепарволик ва эътиборсизлик ҳеч қачон изсиз кетмайди.

Жиноят ишлари бўйича Паркент тумани судида кўриб чиқилган жиноят ишларидан бирига тегишли суд материаллари билан танишар эканмиз, тарбия масаласининг нечоғлиқ муҳим эканлиги, оилада ота-онанинг ўрни қанчалик улуғлиги, ҳалоллик, адолат тушунчаларининг ҳаётда инсон ўрнини белгилаб берадиган тушунчалар эканлигига яна бир карра амин бўлдик. Ушбу жиноят ишининг иштирокчиларидан икки нафари ҳали вояга ҳам етмаган ўсмирлардир. Уларнинг ғўрлиги, яхши билан ёмонни тугал ажратолмаслигидан «унумли» фойдаланган «тажрибали» жиноятчилар ўзларига шерик қилиб олишган.

Шодиев Қаҳрамон (айрим сабабларга кўра, исм-шарифлар ўзгартирилди) — муқаддам уч марта қонуний жазога тортилган бу йигит қирчиллама ёшда. Афсуски, яшашдан мурод нелигини тўғри англаб етмаган Қаҳрамон, амнистия туфайли жазодан озод этилганига қарамай, яна жиноятга қўл урди.

Унинг қинғир ишига қўшилган Баҳром ҳам икки марта суднинг айбдорлар курсисига ўтиришга «улгурган». Аммо бу қилмишларидан тўғри хулоса чиқариб олмаган Баҳром 2008 йилнинг 30 январь куни Қаҳрамонга шерик бўлди.

Улар тун ярмидан оққанда Паркент шаҳрининг марказий бозорида жойлашган, Б.Абдумаликовга тегишли кийимкечак дўконига орқа тарафдаги деразадан кириб, 635 минг сўмлик буюмларни ўмариб кетишади.

Энди ўғирланган буюмлар учун харидор топиш масаласи Қаҳрамоннинг олдига кўндаланг бўлади. У танишларига ўзида арзон-гаров кийим-бошлар борлигини билдиргач, орадан уч-тўрт соат ўтмасдан уйига Равшан Ботиров кириб келади. Равшан буюмларнинг ўғирланганини била туриб, Қаҳрамондан ўн дона шим, жемфер ва костюм олади-да, кейинчалик уларни сувтекинга сотиб юборади.

Бу орада Баҳромнинг ҳам «даромад» қилгиси келиб қолади. У 2008 йил 8 март куни ярим тунга яқин ўзидан бир ёш кичик қариндоши Собирни эргаштирганча, Паркент шаҳри Г.Бегматов кўчаси 5-уйга ўғриликка тушади. Улар уйдан умумий нархи 250 минг сўмлик буюмларни ўғирлашади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Айтинг-чи, қандай ҳолларда фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларини қайд этиш рад қилинади?

Д.МАЖИДОВ,
Муборак тумани

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларининг 7-бандига мувофиқ, қуйидаги ҳолларда фуқаролик ҳолати далолатномаси ёзувларини қайд этиш рад этилиши мумкин:

— далолатнома ёзувини қайд этиш қонунга зид бўлса;

— далолатнома ёзувини қайд эттириш учун мурожаат қилган шахс бунга ҳуқуқли бўлмаса ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса.

— Мен раҳбарлик қилаётган ташкилотда юздан ортиқ ходим ишлайди. Яқинда бир неча ходим бир вақтнинг ўзида меҳнат таътилига чиқиш учун ариза берди. Бу ташкилот фаолиятини меъёрида олиб боришга монелик қиляпти. Айтинг-чи, қонунчилигимизга кўра, меҳнат таътили қандай тартибда берилади?



Ё.СОБИРОВ,
Хива шаҳри

— Меҳнат кодексининг 144-моддасига кўра, йиллик таътилларни бериш навбати тақвим (календарь) йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ белгиланади, аммо бунда ходим таътил бошланишидан камидан 15 кун олдин хабардор қилиниши керак. Қуйидаги ходимларга таътил уларнинг хоҳишига кўра, ёз фаслида ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилиши лозим:

— 14 ёшга тўлмаган бир ёки ундан ортиқ болани (16 ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз она ва муддатли ҳарбий хизматчиларнинг хотинлари;

— I ва II гуруҳ ногиронлари;

— 18 ёшга тўлмаган ходимлар;

— таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганлар.

Шунингдек, ишлаётган эркакларга йиллик таътил уларнинг хоҳишига биноан хотининг ҳомиладорлик ва туғиш таътили даврида берилади.

Саволларга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.

Шу орада Дилбаҳор тақиқланган савдо билан шуғулланганлиги учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан қўлга олинади. Дилбаҳорнинг яқинлари унинг қўлга тушишига Бекбўта Ирисқулов айбдор деган ўйга боришади. Исроил эса ундан ўч олишга қарор қилади. Эҳтимол, бу товламачи учун бир баҳона бўлгандир...

* * *

Исроилнинг Бекбўтадан уч минг АҚШ доллари талаб қилгани, ўз навбатида, жабрланувчининг ички ишлар бўлимига йўл олганидан хабарингиз бор. Шундан кейинги воқеалар қуйидагича кечди.

Келишилган паллада И.Тоҳиров Б.Ирисқуловга қўнғироқ қилди. Бекбўта унга пул тайёрлигини, ошхонага келиб олиб кетишини айтди. Ҳар нарсадан шубҳаланаверадиган И.Тоҳиров эса пули бошқа бир манзилга олиб келишни буюрди. Бекбўта «Матиз»да келиб, тайинланган жойда тўхтаганида унинг машинасига И.Тоҳиров билан Дилором Ҳамдамова чиқиб ўтиришди. Шундан сўнг 2000 АҚШ долларини санаб кўрган Исроил уни Дилбаҳорнинг онаси Дилоромга узатди. Д.Ҳамдамова камзули чўнтагига жабрланувчидан товламачилик йўли билан ундирилган пулни солаётган чоғда ички ишлар идораси ходимлари томонидан қўлга олинди.

Суриштирувлар натижасида маълум бўлдики, судланувчи И.Тоҳиров ноқонуний равишда бойлик орттириш мақсадида Д.Ҳамдамова билан жиноий тил бириктириб, режа тузади. Ушбу жиноий режага кўра, И.Тоҳиров ва Д.Ҳамдамова Б.Ирисқуловни қўрқитиб, ундан товламачилик йўли билан маблағ ундиришга қасд қилишади.

Суд И.Тоҳиров ва Д.Ҳамдамовани Жиноят кодексининг 165-моддаси 2-қисми «б», «в» бандлари билан айбли, деб топди ва И.Тоҳировга олти йиллик қамоқ жазоси тайинланди. Д.Ҳамдамова эса беш йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, Жиноят кодексининг 72-моддасига кўра, шартли жазога ҳукм қилинди.

* * *

Бировга бўҳтон қилиб, туҳмат тошини отган кимса ҳеч замонда жазосиз қолганми?! Исроил Тоҳиров ҳам гулдек хотинини ташлаб, ахлоққа, қонунга зид иш қилгани камдай, текин бойлик, меҳнатсиз даромад топиш илинжида бировга зўравонлик қилмоқчи бўлди-ю, аммо жазосини олди. Олтмиш ёш остонасига етган Д.Ҳамдамованинг набиралари қуршовида ўтирадиган паллада шайтон измига киргани, товламачиликдек оғир жиноятга қўл ургани эса янада ачинарлидир.

Умр саҳифалари эзгу амалларга бой инсоннинг юзи ҳамиша ёруғ бўлади. Бундай киши оққўнгиллилиги, меҳнаткашлиги, ҳалоллиги боис элнинг ҳурмат-эътиборига эришади. Бировнинг ҳақидан қўрқмаган кимса эса ишончни йўқотгани учун таъна-маломатга қолади. Юқорида баён этган воқеа ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Шундай паллада қўнгилдан бир ўй кечади: юз ёруғлигига нима етсин?!

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Jinoyat va jazo

...Маҳалладош дўстлари билан бўлган «гап»дан сўнг Отажон боши тарс ёрилгудай оғриб, уйда ётарди. Бир ҳисобда «гап»дан яхши нарса йўқдай. Тўкин дастурхон, хилма-хил мазали таом оғзингнинг сувини келтиради. Ҳар тусли шишалар эса жилваланиб кўзни олади. Лекин «гап» деганлари ҳам қуруққа ўтмайди-да.

Ҳалоллик — умр безаги

бундан кўз юмган ўз шаънига доғ туширади

Суд очерки

Чошгоҳгача ўзича турли режалар тузиб, тузган режаси ўзига ёқмай ётган Отажон охири бир қарорга келди, шекилли, кўчага отланди. Юз-қўлини чала ювиб, бир пиёла чой ҳам ичмасдан уйдан чиқиб кетаётган эрини кўрган Ҳалима гап қотди:

— Дадаси, қачон ҳовли-жойга қарайсиз? Ҳеч болам-чақам, деб жон койитасизми? Ана, қўшнилар аллақачон томорқаларига экин экиб бўлишди. Бизнинг ҳовлимиз қақраб ётибди. Сиз ҳам эркак бўлиб қўлингизга кетмон олсангизчи?!

Отажон хотинига бир ўқрайди-ю, дарвозани тарақлатиб ёпганча чиқиб кетди...

Кўчада кетиб борар экан, ўзича ўйларди. Бир ҳисобда хотини ҳам ҳақ. Ишининг тайини йўқ. Отаси борида-ку, бир нави эди. Отаси оламдан ўтгач, иши орқага кетди. Тўғриси, у қирқдан ошгунча рўзғорнинг қийинчилигини тортгани йўқ. Барига отаси балогардон эди. Тўғри, ўзи ҳам топарди, лекин топгани кўчадаги улфатчиликдан ортмасди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Hikmat

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Мақсади улуғлашган сари одамнинг ўзи ҳам улуғлашиб боради.

* * *

Тиришқоқлик — илм сари ягона йўл.

* * *

Ҳар қандай туманда ҳам йўл топиб юрса бўлади. Энг муҳими, дадиллик билан олға юриш керак.

* * *

Кишининг қалби унинг қилган ишларида акс этади.

* * *

Яшамоқ — ҳамиша тўхтовсиз олға интилмоқ демакдир.

* * *

Иродали киши учун ҳеч қандай қийин иш йўқ.

* * *

Тилинг ва дилинг бир бўлмагунича, ҳақиқий инсон бўлолмайсан.

2010-yil — Barkamol avlod yili

Юртимиз истиқболи эгалари

илму маърифатли, ҳунарли ва салоҳиятли ёшлардир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу борада Навоий вилоятида ҳам изчил ишлар амалга оширилаётир. Истиқлол йилларида вилоятда шаҳар ва қишлоқлар кўркига кўрк бағишлаган 47 та касб-ҳунар коллежи ва 4 та академик лицей барпо этилди.

Ушбу билим даргоҳлари замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер ва лингофон хоналари, мультимедия аппаратуралари, ўқув ишлаб чиқариш устахоналарига эга бўлиб, ўқув жараёнини юқори савияда олиб бориш учун барча имкониятлар яратилган. Уларда 52 минг нафардан ортиқ ўқувчи чуқурлаштирилган таълим асослари ва касб-ҳунар сирларини ўрганмоқда.

Бу саъй-ҳаракатлардан кўзланган пировард натижа — касб-ҳунар коллежларида ўзи танлаган касб-ҳунарни чуқур эгаллаган мутахассислар тайёрлашдир. Ўқув юртларини тугатаётган ёшларнинг етарли билим ва малакага эга бўлишида, аввало, ишлаб чиқариш корхоналари билан йўлга қўйилган амалий ҳамкорлик ижобий самара бериши шубҳасиз. Шу боис ўқувчилар уч томонлама шартнома асосида ишлаб чиқариш амалиётига жалб этилмоқда. Қувонарли жиҳати шундаки, кўпчилик йигит-қизлар амалиёт чоғида келгуси иш жойини тайин қилиб қўймоқда.

Навоий кончилик коллежида бу борада яхши тажриба тўпланган. Ушбу коллеж ўқувчилари амалиётни, асосан, Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонаси тизимидаги ишлаб чиқариш объектларида ўтайдилар. Натижада деярли барча битирувчилар иш ўринларига эга бўлмоқда. Жумладан, ўтган ўқув йилини муваффақиятли тугатган 500 нафардан ортиқ йигит-қизнинг 400 нафарга яқини мазкур тизим корхоналарига ишга қабул қилинди.

Жорий йилда вилоят бўйича битирувчиларнинг 80 фоизга яқини ўз иш жойларига эга бўлди. Бу борада Навоий спорт коллежи, Кармана маиший хизмат кўрсатиш коллежи, Конимех ва Томди иқтисодиёт коллежлари, Нурота қишлоқ хўжалиги коллежи, Зарафшон саноат касб-ҳунар коллежи, Учқудуқ кончилик касб-ҳунар коллежида, айниқса, ижобий натижаларга эришилмоқда.

Битирувчиларни иш билан таъминлашда жойларда ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларининг ҳам аҳамияти катта бўлмоқда. Яқинда Навоий эркин-индустриал иқтисодий зонасида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркаси ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Ярмаркада ёшларга 1700 та янги иш ўрни таклиф этилди ва уларга яратилаётган шарт-шароит, имконият ва имтиёзлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларни Конституция ва қонун ҳужжатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, йигит-қизларда эркин фикрлаш қобилияти ва нутқ маданиятини ўстириш мақсадида турли кўрик-танловлар, викториналар, ижодий беллашувлар мунтазам равишда ўтказилмоқда.

Бу саъй-ҳаракатлар натижасида спортда муваффақиятга эришаётган ёшларимиз ҳам тобора кўпаймоқда. Жорий йилда Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида бўлиб ўтган каратэ бўйича Осиё чемпионатида Навоий спорт коллежи ўқувчиси Зайниддин Норбўтаев учинчи ўринни эгаллаб, жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Май ойида Туркиянинг Анқара шаҳрида бўлиб ўтган 1990 — 1992 йилларда туғилган қизлар ўртасидаги эркин кураш мусобақасида Навоий спорт коллежи ўқувчиларидан — Дилором Ражабова, Ўғилой Ҳожиева ва Ҳилола Бахромова фахрли ўринларга сазовор бўлишди. Жорий йилнинг ўтган даврида 81 нафар ўқувчи халқаро спорт мусобақаларида иштирок этиб, уларнинг 43 нафари юқори учликдан ўрин эгаллади.

Узлуксиз таълимнинг муҳим босқичи бўлган касб-ҳунар коллежлари фарзандларимизнинг ўзига мос касб-ҳунар асосларини эгаллашига, пировардида мустақил ҳаётда ўз ўрнини топишига хизмат қилмоқда. Мақсадимиз — ҳар бир йигит-қиз ўзига муносиб йўлни танлаб олиши, ўз истеъдодини рўёбга чиқариши учун барча шароитни яратиб беришдан иборат. Зеро, бу жамиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўша оладиган салоҳиятли кадрлар тайёрлашнинг муҳим омилидир.

Муаттархон РЎЗИБОЕВА



Шахмат ҳангомалари

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

x x x

Рейкьявикда Фишер- Спасский ўртасидаги матчнинг энг қалтис палласида Ефим Геллер америкаликнинг юмшоқ курсисидан шогирдининг диққатини жамлашга халақит бераётган қандайдир бир нур таралаётганини айтади. Тренер Спасскийнинг бўш ўйнаётганига бошқа баҳона тополмайди. Дарҳақиқат, кейинчалик Фишернинг курсисини бўлакларга ажратишаётганда бу шубҳа «тасдиқлангандай» бўлади: у ерда иккита пашшанинг ўлиги топилади.

x x x

Бразилиялик гроссмейстер Энрико Мекинг даъвогарлар турнирида ғолиб чиқиши ҳамон икки йилдан сўнг Фишер билан шахмат тожи учун кураш бошлашини айтади.

— Агар Фишер менга ютқазиб қўйса, бу унинг обрўсига заррача таъсир этмайди, — дейди бразиялик калондимоғлик билан.

— Думбул! — дейди Фишер аччиғланиб. — Агар мени заҳарли илон чақсагина Мекингга ютқазишим мумкин.

x x x

Фишер шахмат тожини қўлга киритганда америкалик ёш бир йигит ниҳоят севгилисига ўз муҳаббатини изҳор қилишга жазм этади:

— Мен, албатта, Фишердай қудратли, у каби бой-бадавлат эмасман, аммо муҳаббатим йўлида ҳар нарсага тайёрман!

— Ундай бўлса, мени ўша Фишер билан таништириб қўй! — дея соддадиллик билан жавоб қилади «садоқатли» маъшуқа.

x x x

Мисрда бир дўкондор Карповга папирусни (ўсимликдан тайёрланадиган ёзув қоғози — таржимон) мақтаб, сотиб олишга қистайди. Аслида у банан пўстлоғидан тайёрланган бўлиб, бир ҳафтадаёқ чириб кетарди. Карпов буни билмасди, аммо ички бир сезги билан ғирромликни пайқаб турар ва папирусни сотиб олишга иккиланар эди. Шунда мисрлик меҳмонни ишонтириш учун унинг рус ўртоқлари шикоят ва таклифлар дафтарига ўз фикрини ёзиб қолдирганини айтиб, мақтаниб қолади. Бу анча кучли далил эди ва Карпов чўнтагини кавлашга тушади. Аммо аввал дафтардаги ўша ёзувга бир кўз ташлаб қўйгиси келади. Унда шундай ёзилганди: «Бу одамдан ҳеч нарса сотиб олманг, у қипқизил қаллоб».

Шундай қилиб, номаълум ватандоши Карповни бесамар пул сарфлашдан қутқариб қолади. Мисрлик савдогар эса тил билмаслигидан афсусланган бўлса, ажаб эмас...

x x x

Владимир Крамник (бўлажак жаҳон чемпиони) биринчи синфда ўқиётганидаёқ шахмат бўйича биринчи тоифага эга эди. Бир куни отаси уни ўзи ишлайдиган алоқа бўлими терма жамоаси таркибида ўйнатиш учун мусобақага олиб кетади. Биринчи тоифали болакай ўзидан катта барча рақибларини мағлубиятга учратади. Шунда мағлубият аламини тортганлардан бири ўртага чиқиб, жиддий тарзда иддао қилади:

— Тўғри, мен ютқаздим, аммо менинг мағлубиятим инобатга олинмаслиги керак, чунки бу бола касаба уюшмаси аъзоси эмас!

Дарҳақиқат, мусобақа касаба уюшмаси доирасида ўтказилаётган эди.

x x x

Корчной Сараево шаҳридаги шахмат клубида сеанс бераётган эди.

— Раҳбаримиз билан дурангга рози бўлолмайсизми? — деб сўрашади ўйин ташкилотчилари. — У бундан хурсанд бўларди.

Аммо Корчной бунақа масалада ён бермасди.

— Мен директорингиз гроссмейстер даражасида ўйнай олади, деб ёзилган қоғозга имзо чекиб беришим мумкин, аммо ўйнамасдан туриб дурангга рози бўлолмайман!

Ўша сеанс 20:0 ҳисобида Корчной фойдасига ҳал бўлган эди.

x x x

Эдуард Гуфельд гроссмейстер унвонига эришгач, Корчнойга мақтаниб қолади:

— Виктор, мана, мени табрикласангиз бўлади, энди биз сиз билан ҳамкасбмиз!

— Сизга Дамянович ҳамкасб! — дейди Корчной томдан тараша тушгандек. У унчалик кучли ўйинчи бўлмаган югославиялик гроссмейстерни назарда тутган эди.

Аммо орадан икки ой ўтгач, Гуфельднинг айтишича, Амстердамда бўлиб ўтган халқаро турнирда Корчной айнан Дамяновичга имкониятни бой берган. Ана ўшанда Гуфельд фурсатни ғанимат билиб, почтага шошиб боради-да, Корчнойга телеграмма жўнатади. Унда бор-йўғи учта сўз ёзилганди: «Дамянович сизнинг ҳамкасбингиз!».

(Давоми бор)

Шодмон ОТАБЕК тайёрлади.

Mulohaza

Масъулият ва эътибор

фарзанд тарбиясида муҳим ўрин тутади

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Табиийки, ўғирлик моллардан йигитчаларнинг ўзлари фойдаланишмас, агар шундай қилишса, айблари ошкор бўлиб қолишини улар яхши билишарди. Шу боис ҳам ўмарилган буюмларни кўтариб, ўзларига «харидор» қидиришади. Шунда Гулшода Бадалова уларга бошқача «келишув» таклиф қилади. У Баҳром билан Собирга агар Г.Бегматов кўчаси 5-уйдан уй соҳибасига тегишли қишки кийимни келтиришса, яхшигина ҳақ тўлашга ваъда беради.

Пулга қизиққан ўсмирлар қилаётган ишларининг оқибатини чуқур мулоҳаза қилмай дарров ортга қайтишади ва ҳақиқатан ҳам, Б.Қораевага тегишли қишки кийимни Гулшодага келтириб беришади.

Эртаси куни Баҳром «нишон»ни «Сўрхи» маҳалласидан танлайди. У тонгга яқин, ҳамма ширин уйқуда бўлган паллада Л.Тожибоевга тегишли автомашина таъмирлаш устахонасига кириб, у ердан жами 250 минг сўмлик турли-туман буюмларни ўғирлаб кетади.

Қўли эгри кимсанинг охир-оқибат боши эгилиб қолиши шубҳасиз. Бу гал ҳам шундай бўлди. Ҳуқуқ-тартибот идораси ходимлари томонидан қўлга олинган жиноятчилар судда айбларига иқрор бўлишди. Ўғрилик жиноятларида иштирок этган барча судланувчиларга нисбатан суд ўзининг қонуний ҳукмини ўқиди.

Бировнинг ҳаки ўзгага буюрмайди, дедик. Бу ҳақиқатни чуқур англаган киши учун ўғриликка қўл уриш — кечириб бўлмас қабоҳатдир. Бироқ барча ҳам шундай ўйламайди. Тўғриғи, ўзганинг молига кўз олайтирган, осонгина бойийман, деб хомтама бўлган кимсалар қонун олдида жавоб бераётган паллада-гина бу ҳақиқатни тушуниб етишади. Аммо унда кеч бўлади.

Одилхон ФАТҲУЛЛАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Паркент тумани судининг раиси

Jinoyat va jazo

Ҳалоллик — умр безаги

бундан кўз юмган ўз шаънига доғ туширади

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Шундай хаёллар билан кетаётган Отажоннинг қаршисидан синфдоши Акром чиқиб қолди. Улар худди минг йилдан буён учрашмаган қадрдонлардек қучоқлашиб кўришишди. Томоқлари тақиллаб турган улфатлар узоққа бормасдан, маҳалла ғузаридаги чойхонадан қўним топишди.

Кетма-кет икки марта «отган» Отажоннинг бош оғриғи сал-пал босилгандек бўлди. Шундан сўнг у дўстига дардини айтишга тушди. Буни қарангки, икки синфдошнинг дарди бир жойдан чиқди.

— Тўхта, — деди Отажон Акромнинг сўзини бўлиб, — пул топишнинг бир йўли бор. Фақат бунинг учун ишончли шерик керак...

Шу ўринда «қаҳрамонлари»миз ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз.

Икки синфдош — Отажон Ҳошимов ва Акром Бобоев (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган) 1968 йилда Қўштепа туманида туғилган. Бир маҳаллада улғайиб, бир синфда ўқишган. Отажон икки, Акром уч нафар фарзанднинг отаси.

— Менга қара, — деди Отажон сўзида давом этиб, — далада нима кўп, қаровсиз, эгаси арқонлаб ташлаб кетган сигир-қўй кўп. Секингина битта-яримтасини таниш қассобга ўтказсак, пулнинг тагида қоламиз. Фақат буни иккаламизнинг эпламиз қийин-ов...

Ҳамтовоқлар ўйлай-ўйлай шерикликка маҳалладошлари — амакиваччалар Даврон ва Асқар Бердиевларни танлашди. Қарангки, амакиваччалар ҳам худди Отажон ва Акром каби оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юришга ўрганган текинтомоқлар экан. Уюшган жиноятчилар бировнинг пешона тери эвазига топилган молҳолини ўмариш ҳақида қабиҳ режа тузишди. Шу тариқа 2009 йилнинг 28 мартида жиноий гуруҳ аъзолари Отажоннинг машинасида «ов»га жўнашди.

Қўштепа тумани ҳудудида ўғирлик қилса, қўлга тушиб қолишдан чўчиган жиноий гуруҳ қўшни туман — Бешариққа йўл олди. Ҳамтовоқлар айланиб-айланиб, Бешариқ тумани, Кармак қишлоғи ҳудудида жойлашган «Мадина Шералиева» номидаги фермер хўжалиги экин майдони яқинига арқонлаб қўйилган, И.Хўжамуродовга тегишли икки бош қорамол Отажон Ҳошимовнинг бошқарувидаги автомашинага ортиб, воқеа жойидан яширинишади.

«Ўлжа», аввалдан келишилганидек, Ахшак қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Аликул Маматовнинг уйига олиб борилади. А.Маматов икки бош қорамолни бирини 600 минг, иккинчисини 400 минг сўмга нархлаб, 1 миллион сўмга сотиб олади. Таажжубланарли томони шундаки, у моллар-нинг ўғирланганидан хабардор эди, шунга қарамай, учтўрт сўм фойда илинжида жиноятга шерик бўлди.

Орадан бир кун ўтиб, келишувга биноан, жиноий гуруҳ аъзолари гузардаги чойхонада тўпланди. Бу гал улар Риштон туманига йўл олишди. «Шоввозлар» ўмарган Оқер қишлоғида яшовчи Ғ.Ҳалимовга тегишли икки бош қорамол учун А.Маматов бу гал 850.000 сўм берди.

Осон топилаётган даромад жиноий гуруҳни қутурга айланди. Тўдабоши новвосни машинада кўз-кўзлаб юришни хоҳламади, шекилли, йўлни Ёзёвон туманида жойлашган молбозорга бурди. Шериклар бозор нархи 700 минг сўм бўлган новвосни бозор дарвозасидаёқ нотаниш харидорга 400 минг сўмга пуллаб, дарров ортга қайтишди...

Қисқаси, шу алфозда жиноий гуруҳнинг қора қилмишлари сони кўпайиб бораверди. Бу орада гуруҳга янги «аъзо»лар қабул қилинди, жиноятни содир этишда фойдаланилаётган машиналар сони тўрттага етди. Натижада Фарғона вилоятининг Фарғона, Қува, Данғара, Бешариқ, Риштон, Фурқат ва Ўзбекистон туманлари ҳамда қўшни Андижон вилоятира бошлади. Икки-уч кун қўшни туманларни «ўрганиб чиққан» гуруҳ аъзолари 2009 йилнинг 7 апрелида яна Бешариққа отланди. Бу гал Қашқар қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Т.-Одиловнинг новвоси «ўлжа»нинг Шаҳрихон ва Марҳамат туманларида яшовчи ўнлаб фуқаролар ўзларига тегишли мол-ҳолларидан айрилиб, моддий ва маънавий зарар кўришди.

Халқимиз «Бузоқнинг югургани сомонхонагача», дейишадиқу.

Иккинчидан, аксарият жиноятлар кундуз куни содир этилганига қарамасдан, ўғриларни «кўрдим» деган киши йўқ. Назаримизда, куппа-кундуз куни, машинага мол юклаб юрган бегона кимсаларни ҳеч ким кўрмаслиги мумкин эмас. Бу ўринда кўпчиликнинг лоқайдлик билан, «Сен менга тегма, мен сенга тегмайман», қабилида иш тутиши панд берган.

Афсуски, бундай сабабларни яна келтириб ўтиш мумкин. Бизнинг айтмоқчи бўлганимиз эса, аввало, ўзимизга ҳушёр бўлайлик. Шунингдек, теварак-атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга ҳам бефарқ қарамайлик. Ана шунда ўзимизга ҳам, ўзгаларга ҳам зиён етмайди.

Хусан ХУДОЙБЕРДИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Тошлоқ тумани судининг раиси
Ислом ҲАМРО,
журналист

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят суди жамоаси мазкур суднинг ходими Иброҳим Мирзаевга онаси **Мавжуда САЛОМОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 030 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Бўритош МУСТАФАЕВ, Олимжон ИСМАИЛОВ, Шерали РАҲМОНОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Нуриддинжон ИСМОИЛОВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Муҳаммад АЛИ, Омонбой ОҚЮЛОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Дилбар СУЮНОВА, Масардин ҲАСАНОВ, Юлчибой ТУРСУНБОЕВ, Шоюнус ҒОЗИЕВ, Баҳриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-818. Қоғоз бичими: А-2. Сотувда эркин нархда. Адади: 7056. 1 2 3 4 5 Топширилди: 22⁰⁰